

“Агробанк” АТБ акциядорларининг
навбатдаги йиллик умумий
йиғилишининг 2018 йил 04 июндаги
36 - сонли баённомасига
10 - сонли илова

**“Агробанк” акциядорлик тижорат банкининг Бошқаруви тўғрисида”ги
Низомига киритилаётган
қўшимча ва ўзгартиришлар матни**

1.Низомнинг 4-банди қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

“Бошқарув раиси танлов бўйича саралаш асосида танланади ҳамда Ўзбекистон Республикасининг Вазирлар Маҳкамаси томонидан тайинланади ва кейинчалик банк Кенгаши тасдиғига киритилади. Бошқарув раисининг ўринбосарлари ва Бошқарув аъзолари банк Кенгаши томонидан ўрнатилган тартибда тайинланади ҳамда лавозимидан озод қилинади”;

2.Низомнинг 15-банди б) кичик банди қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

“б) банк Бош офиси таркибий тузилмалари, ҳудудий бошқармалари ва филиаллари раҳбарларининг банк фаолиятининг аниқ йўналишлари бўйича тегишли даврлар ва ишлар учун фаолият якунлари тўғрисидаги, шунингдек улар фаолиятини тафтиш қилиш ва текшириш натижалари бўйича ҳисоботларини кўриб чиқади”;

3.Низомнинг 20-банди етинчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

“банкнинг Бош офиси ходимларини, ҳудудий бошқармалар, филиаллар, ваколатхоналар, шўъба ва тобе корхоналар раҳбарларини тайинлайди, лавозим ойлик маошларини белгилайди ҳамда уларни лавозимидан озод қилади”;

4.Низомнинг 24-банди иккинчи қисми қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

“Раиснинг биринчи ўринбосари ва ўринбосарларининг банк фаолияти йўналишига раҳбарлик қилиши ҳамда Бош офиснинг таркибий тузилмалари фаолияти устидан назорат ўрнатиш Бошқарув раисининг буйруғи билан белгиланади”.